



ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТИДИР

Махмудов Розмет Муратович,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

Университети профессори,

педагогика фанлари доктори, профессор

[maxmudovrozmet1965@mail.com.](mailto:maxmudovrozmet1965@mail.com)

Қорабоев Абдулазиз Абдурахмонович,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

докторанти, тел: +99894-640-82-79

Аннотация: ушбу мақолада янгилangan Конституция, янгиланётган жамиятнинг хуқуқий асоси ҳисобланади. Янгилangan Конституция муаллифлари халқ эканликлари кўрсатилади ва халқчил конституция эканлиги асослантирилади. Янги бандларни бажарилиши энг аввало ҳар бир фуқаролардан хуқуқий онг, хуқуқий тарбия ва хуқуқий маданиятни шаклланишини талаб этади.

Калит сўзлар: янгилangan Конституция, янги таҳрирдаги конституция, моддалар, ўзгартиришлар, бойитилишлар, халқдан тушган таклифлар.

Аннотация: в данной статье обновленная Конституция является правовой основой обновленного общества. Показано, что авторами обновленной Конституции является народ и обосновано, что это популистская конституция. Реализация новых положений требует формирования у каждого гражданина правосознания, правового воспитания и правовой культуры.

Ключевые слова: обновленная Конституция, новая редакция Конституции, статьи, поправки, дополнения, предложения народа.

Annotation: in this thesis, the updated constitution is the legal basis of the renewed society. It is indicated that the authors of the updated constitution are the people, and it is justified that the khalkhil is the Constitution. The implementation of new items requires, first of all, the formation of legal consciousness, legal education and legal culture from each citizen.

Keywords: updated constitution, constitution in the New Edition, articles, amendments, enrichment, proposals from the people.

Янгилangan Конституциянинг талблари, янги қонун лохиясида ўз аксини топган. Давлатимизда инсон хуқуклари, эркинликлари ва қонуний

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада конституциявий-хуқуқий қонунчилик манфаатларини мустаҳкамлаш йўлидаги туб ислоҳатлар деб тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган конституциясида суд, прократура органлари фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишга оид бир қатор конституциявий кафолатлар белгиланган¹. Юртимизда 2023 йил 30-апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида иштирок этган фуқароларнинг 90,21% томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганлиги, унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзуумидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан далолат бермоқда. Янгиланган Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади-ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Янгиланган ёки янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тўлақонли амалга ошириш, унда мустаҳкамланган уствор принципларни Янги Ўзбекистон - Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқиш, давлат органларининг фаолиятини янги конституциявий –хуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқароларда ўз ҳаётида халқ конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туриши мақсадида куйидагилар белгиланган, яъни янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларнинг биринчи навбатдаги устивор вазифаси этиб белгилансин деб бир қанча бандларда аниқ қилиб кўрсатиб ўтилган².

Янги бандларни бажарилиш энг аввало ҳар бир фуқаролардан хуқуқий онг, хуқуқий тарбия ва хуқуқий маданиятни шаклланишини талаб этиди. Ҳар бир фуқаро қонун ижросини (янги Конституция ижросини) таъминлашда ўзгаларнинг конституциявий бурчларини бажаришлари талаб этилади, шунинг учун ҳам янгиланган Конституциянинг барча талабларини сўзсиз бажаришни

¹ Эшпўлатова Н. Янги Конституция талаблари янги қонун лойиҳасида. Одиллик мезони илмий-амалий, хуқуқий журнали №7, 2023. 1-2 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2023-йил 8-май ПФ-67-сон // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6461609>

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

устивор вазифа этиб белгиланган. Белгиланган чора тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун давлат органлари ва ташкилот раҳбарларининг Конституцияни амалга ошириш бўйича жавобгарлиги белгиланди.

Янги тахирдаги Конституциянинг 78-моддасида қуидагилар (10 пунктида) аниқ белгиланган, яъни болалар ва ёшларда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиши, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга оид қоидаларини амалга ошириш мақсадида 2023-йил 1-сентябрдан бошлаб республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий-меърос объектларига жумладан кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириш тартиби жорий этилиши айтилган. Ушбу банддаги қўрсатмалар ҳам ижтимоий институт раҳбарларни томонидан сўзсиз бажарилмоқда ва мактабларда ҳар жума куни маданият муассасаларига бепул тадбирларга олиб борилмоқда ва киритилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг янги тахирдаги Конституциянинг 50-моддасида белгиланган таълим олиш хуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш мақсадида 2023-йил 1-августдан бошлаб солиқ тўловчилар томонидан ёшидан қатъий назар фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларида таълим олишлари учун йўналтирилган тўловлар солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилсин дейилган³. Худди шу қўрсатма бажаришини бугунги кунда амалга ошириётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз ва бу исбот талаб қилимайдиган жароён ҳисобланади.

Янги тахирдаги конституциянинг 55-моддасида белгиланган “ҳар бир шахснинг” ўз хуқуқларни бошқа шахс ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш хуқуқи кафолатларини янада кучайтириш мақсадида 2024 йил 1-январдан бошлаб маъмурий судларга шикоят қилишда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан давлат божини ундумаслик, бунда давлат божини ишни кўриб чиқиши натижаси бўйича айбдор тарафдан ундириш тартиби жорий этилсин” дейилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Янги тахирдаги 01.05.2023. <https://lex.uz/docs/6445145>

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

Ушбу фикрлар шахс манфаатларига хизмат қиласи. Янгиланган конституциянинг 65% моддалари ўзгатирилди, бойитилди ва халқдан тушган таклифлар инобатга олинган.

Янгиланган конституциянинг 142-моддаси талабларидан келиб чиқиб, адвакатура соҳасига ёш кадрларни фаол жалб қилиш мақсадида 2023 йил сентябрдан бошлаб олий таълим ташкилотлари юристпруденция йўналишида тахсил олаётган битирувчи курс талабаларига адвокатлик тузилмаларида меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқищдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб боришга рухсат берилади.

Ушбу 142 модданинг амалиётга тадбиқ этилиши бўлажак мутахассисларни келажакда иш билан таъминлашга қаратилиши билан бирга ишга жойлашишда ўз ўрнини топишга ёрдам беради.

Хулоса, ўрнида шуни айтамизки янгиланган конституция янги Ўзбекистоннинг хуқуқий асоси бўлиб хизмат қиласи⁴. Янги Ўзбекистоннинг янгиланган конституцияси ўзининг ижтимоий моҳиятига кўра ўша жамиятнинг хуқуқий жиҳатдан иникоси ҳисобланади ва халқ манфаатига хизмат қиласи.

Янгиланган Конституция халқ учун, давлат учун хуқуқий база ҳисобланади. Барча қонунлар ўша янгиланган Конституциянинг моҳиятидан келиб чиқиб ёзилади, янгиланган конституциянинг муаллифлари халқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Янги таҳрирдаги 01.05.2023 йил. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конситуциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2023-йил 8-май ПФ-67-сон // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6461609>
3. Эшпўлатова Н. Янги Конституция талаблари янги қонун лойиҳасида. Одиллик мезони илмий-амалий, хуқуқий журнали №7, 2023. 1-2 б.
4. Махмудов Р.М. Шахснинг хуқуқий ижтимоийлашуви муаммолари. Мустақил ва Ўзбекистон Республикасида хуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини шакллантириш муаммолари. Илмий-назарий конференция материаллари. Т.: 2006. – 133-134- бетлар.

⁴ Махмудов Р.М. Шахснинг хуқуқий ижтимоийлашуви муаммолари. Мустақил ва Ўзбекистон Республикасида хуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини шакллантириш муаммолари. Илмий-назарий конференция материаллари. Т.: 2006. – 133-134- бетлар.